“Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг
телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича
Оммавий офертаси

Тошкент шаҳри

Ушбу Оммавий оферта Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 369-моддасига мувофиқ ўз фаолиятини лицензиялар (2015 йил 3 ноябрдаги РТ 0005718-сон, 2017 йил 24 февралдаги АА 0005661-сон, 2017 йил 24 февралдаги АА 0005662-сон, 2017 йил 23 февралдаги АА 0005657-сон, 2017 йил 3 январдаги АА 0005659-сон ва 2015 йил 3 ноябрдаги АА 0005717-сон серияли) асосида юритувчи “Ўзбектелеком” акциядорлик компаниясининг (бундан буён матнда – Оператор) фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъекти (бундан буён – Абонент) билан телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича шартнома тузиш юзасидан расмий таклифи ҳисобланади.

Ушбу Оммавий оферта Операторнинг Интернет тармоғида www.uztelecom.uz манзилидаги расмий веб-сайтида жойлаштирилган вақтидан бошлаб кучга киради ва уни бекор қилиш тўғрисидаги расмий хабарнома сайтда жойлаштирилгунга қадар амал қилади.

Оператор Оммавий офертадаги шартларни ушбу Оммавий оферта билан белгиланган тартибда ўзгартириш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади.

Ушбу Оммавий оферта шартлари Операторга мурожаат қилган барча фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар субъектлари учун ягонадир.

1. Атамалар ва таърифлар

Ушбу Оммавий оферта мақсадлари учун қуйидаги атамалар, таърифлар ва қисқартмалар қўлланилади:

Абонент – ушбу Оммавий оферта шартларда Оператор билан телекоммуникациялар хизматларини кўрсатиш учун шартнома тузган фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти (жисмоний шахс, юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор, мулкчилик шаклларидан қатъий назар юридик шахс, нотижорат ташкилот, оммавий-ҳуқуқий тузилма ва бошқалар).

Абонент шартномаси/Фойдаланувчи шартномаси – жисмоний ва юридик шахс, юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор бўлган Абонентлар билан расмийлаштириладиган, Абонент томонидан мазкур Оммавий оферта шартларини қабул қилиши ҳақидаги фактни белгилайдиган, Абонент ҳақидаги маълумотларни, Оператор Абонентга кўрсатиш мажбуриятини олган телекоммуникациялар хизматларининг турларини ҳамда уларни кўрсатиш учун зарур элементлар (абонент рақами, тариф режаси ва ҳ.к.) ва бошқа муҳим шартларни ўз ичига олган ҳужжат (бундан буён матнда – Шартнома).

Абонент қурилмаси – Абонентга телекоммуникациялар хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи охирловчи ускуна. Абонент қурилмаси Ўзбекистон Республикасида амал қилаётган стандартларга мувофиқ, ускунанинг ушбу турига қўйиладиган белгиланган техник талабларга жавоб бериши керак.

Абонент рақами – шартнома амал қилиш даврида Абонентга Оператор томонидан ажратиладиган ва бошқа абонент қурилмалари билан уланишда Операторнинг тармоғига уланган Абонент қурилмасини идентификация қиладиган рақам.

Абонент тўлови – фойдаланилган хизматлар ҳажмидан қатъий назар, Оператор томонидан Абонентга тақдим этиладиган хизматлар учун шартсиз қатъий белгиланган ойлик тўлов.

Аванс тўлови – Абонентнинг логинини ва тадбиркорлик субъектлари учун Шартнома рақамини кўрсатган ҳолда Операторнинг ҳисоб рақамига Абонент томонидан келгуси ҳисоб-китоб даврида (олдиндан тўлов) фойдаланиладиган телекоммуникация хизматлари учун тўлиқ миқдорда (100%) тўланиши лозим бўлган пул маблағларининг миқдори. Аванс тўлови танланган тариф режаси, танланган пуллик телекоммуникациялар хизматларининг қийматига мувофиқ Абонент тўлови қийматидан шакллантирилади. Аванс тўлови Ўзбекистон Республикасида белгиланган нақд ва нақдсиз ҳисоб-китобларнинг қулай усуллари билан амалга оширилади.

Авторизация – Оператор серверидаги Абонент томонидан киритилган Аутентификация маълумотларининг таҳлили жараёни бўлиб, унинг натижаларига кўра, Абонентда хизматдан фойдаланиш ёки шахсий кабинетга кириш ҳуқуқи мавжудлиги аниқланади.

Агент – агентлик шартномаси ёки тегишли ишончнома асосида Операторнинг топшириқларини ижро этадиган юридик шахс, юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор (Операторнинг ваколатли вакили).

Агентлик шартномаси – Агент мукофот эвазига Оператор топшириғи бўйича ва унинг номидан юридик ва бошқа муҳим ҳаракатларни амалга ошириш мажбуриятини олиши бўйича шартнома.

Архивланган тариф режаси – Оператор томонидан аввал тасдиқланган ҳамда янгидан уланиш ва бошқа тариф режаларидан унга ўтиш учун ёпиқ бўлган тариф режаси.

АҲКТ – Оператор ва Абонент ўртасида ҳисоб-китобларни автоматлаштириш, шунингдек, кўрсатилган телекоммуникация хизматлари тўғрисидаги маълумотлар ҳисобини юритиш ва қайта ишлаш учун мўлжалланган автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизими / биллинг тизими (аппарат-дастурий мажмуа).

Аутентификация маълумотлари – (агар зарур бўлса, қўлланилади) ушбу Оммавий оферта шартларини инобатга олган ҳолда тузилган Шартнома асосида Оператор томонидан шакллантириладиган Абонентнинг шахсий ҳисобга олиш маълумотларининг йиғиндиси.

а) Фойдаланувчи номи **(login)** – Оператор тизимидаги Абонентнинг асосий шахсий идентификация параметри. Шартномани тузиш ва Абонентни дастлабки рўйхатга олиш вақтида Абонентга берилади, амалдаги Шартнома доирасида ўзгартирилиши мумкин эмас.

б) Пароль **(password)** – Абонентнинг шахсий ҳисобга олиш маълумотлари ва бошқа ёпиқ маълумотларидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимоя қилиш воситаси. Дастлабки пароль Оператор томонидан шакллантирилади ва берилади, кейинчалик

пароль Абонент томонидан ўзгартирилиши мумкин. Фойдаланувчи номи ва пароли Абонент томонидан Операторнинг фойдаланиш серверида масофавий уланишни ўрнатиш ва авторизация қилиш ҳамда шахсий кабинетга кириш учун ишлатилади.

Шахсий ҳисоб рақамининг баланси – Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамида маълум бир вақтда пул маблағларининг икки суммаси ўртасидаги фарқи. Биринчи сумма Шахсий ҳисоб рақамига киритилган пул маблағларидан, иккинчи сумма эса кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун ушбу Шартномада белгиланган муддатда Оператор томонидан Абонентнинг шахсий ҳисоб рақамидан ечиб олинган пул маблағларидан иборат.

Виждонан фойдаланиш – Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги, танланган телекоммуникация хизматлари турларининг Қоидалари ва шартлари ҳамда ушбу Оммавий офертанинг шартларига қатъий риоя этган ҳолда телекоммуникация хизматларидан фойдаланишда Абонентнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларининг амалга оширилиши. Бунда телекоммуникация хизматларидан ноқонуний мақсадларда фойдаланишга, Операторга ва/ёки учинчи шахсларга зарар етказадиган ҳаракатларни амалга оширишга, Абонент ўзининг қурилмасидан дастурий таъминотни/маълумотни тарқатилишига ва тарқатишга кўмаклашмасликка, IP-манзилларни, Абонент рақамларини қалбакилаштирмасликка, Оператор тармоғи, ускуна, Оператор ва/ёки учинчи шахсларнинг дастурий таъминотининг нормал ишлашига тўсқинлик қиладиган ҳаракатларни қилмасликка ва телекоммуникация хизматларини бевосита тижорат мақсадларида, белгилаб қўйилган алоқа тармоғига кириш учун шлюзларда, Интернет телефонияда фойдаланмасликка йўл қўйилмайди.

Оператор тармоғига кириш – якуний (охирги) хизматлар ва ахборот ресурсларига киришга рухсат олиш учун Оператор тармоғидан фойдаланиш бўйича Абонентнинг техник имконияти.

Хизмат кўрсатиш зонаси – Оператор тегишли лицензиялар асосида Хизматларни кўрсатиш ҳуқуқига эга бўладиган ва Ўзбекистон Республикасининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатилган шартларга жавоб берадиган хизматлар сифатини таъминлаш учун техник имкониятларга эга бўлган ҳудуд.

Интернет тармоғи – шлюзлар ёрдамида бирлаштириладиган ва ягона манзиллар ҳамда номлар маконидан фойдаланадиган TCP/IP ягона протоколига мувофиқ ишлайдиган, кўплаб тармоқлардан иборат бўлган глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар мажмуаси).

Идентификациялаш – мавжуд маълумотлар асосида маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланувчининг шахсини аниқлаш.

Операторнинг жавобгарлиги доираси – Оператор эгалигида ва бошқарувида бўлган техник воситалар ва телекоммуникация каналлари. Хизматлар Операторнинг жавобгарлиги доирасида кўрсатилади. Операторнинг жавобгарлиги доираси ташқарисидаги хизматларга уланиш билан боғлиқ барча саволлар Абонент томонидан Оператор билан келишилган ҳолда ҳал этилади. Операторда унинг жавобгарлик доираси ташқарисида сифатни талаб этиладиган даражада таъминлаш имкони бўлмаганлиги Шартномани бекор қилиш учун асос бўлади**.** Абонент Оператор билан Шартнома тузишдан олдин, Операторлардан ўзининг уланиш нуқтасигача алоқа каналлари мавжудлигига ишонч ҳосил қилиши керак. Фойдаланиши мумкин бўлган алоқа

каналлари мавжуд бўлмаганда, бундай алоқа каналларини ташкил этиш бўйича саволлар ушбу Оммавий оферта доираси ва шартларидан ташқарида ҳал этилади.

Wi-Fi хизмат кўрсатиш ҳудуди – Операторнинг радиосигналларни ишончли қабул қилиш нуқтаси ва абонент/фойдаланувчи ва/ёки дастурий таъминотнинг созланган жиҳозининг хизматидан фойдаланиш ҳудуди.

Экспресс-тўлов картаси – Абонентга алоқа хизматлари кўрсатилиши мумкин бўлган, унда пул миқдори кўрсатилган картонли ёки пластик карта. Тўлов картаси унинг фаоллаштирилиши учун керак бўлган маълумот, картани фаоллаштириш муддати, амал қилиш муддати, серия рақами, ҳимояланган қатлам билан қопланган махфий код ва бошқа ахборот маълумотларини ўз ичига олган, шунингдек, белгиланган номиналдаги алоҳида аниқланган воситаси ҳисобланади. Экспрес-тўлов картасини фаоллаштириш – карта эгаси томонидан Оператор билан белгиланадиган ҳаракатлар кетма-кетлигини бажарилишини назарда тутадиган жараён. Унинг натижасида Абонентнинг шахсий (электрон) ҳисоб рақамидаги қолдиқ тўлов картаси номиналида кўрсатилган миқдорга тўлдирилади.

Контент – Voice (овозли), SMS, GPRS орқали қабул қилинган ахборот, кўнгилочар хусусиятларга эга бўлган матнли ёки мультимедиали маълумотлар.

Контент-провайдер – Оператор тармоғи орқали Абонентларга тижорат асосида контент хизматларини кўрсатувчи юридик шахс. Контент-провайдер хизматлари Абонентнинг олдиндан берилган буюртмаси асосида Абонент қурилмасидан унинг берилиши учун сўровни (буйруқни) жўнатиш йўли билан кўрсатилади. Контент-провайдерлар ва уларнинг хизматлари рўйхати Операторнинг расмий веб-сайтида, шунингдек, контент-провайдерларнинг расмий веб-сайтларида мавжуд. Контент-провайдернинг хизматларидан фойдаланиш – Операторнинг Абонентга ўзининг алоқа тармоғи орқали контент-провайдернинг ахборот-кўнгилочар хизматларидан фойдаланиш имконини берувчи қўшимча (ўзаро боғланган) хизмат.

Йирик авария – Операторнинг тармоғи ва Хизматларни кўрсатиш ҳаракати тўхтатилишига олиб келадиган авария.

Шахсий ҳисоб рақами – Абонент томонидан фойдаланиладиган алоқа хизматлари учун ҳақ тўлашга мўлжалланган, алоқа хизматларидан фойдаланишда Абонент томонидан киритиладиган ва сарфланадиган пул маблағлари тўғрисидаги пул эквивалентида ифодаланган ахборотдан иборат бўлган телекоммуникация операторининг автоматлаштирилган ҳисоб-китоблар тизимидаги таҳлилий электрон ҳужжат.

Оператор – телекоммуникация воситалари тармоғига эга бўлган, унинг ишлаши, ривожланишини таъминловчи ва Абонентларга телекоммуникация хизматларининг кенг қамровли мажмуини таклиф этувчи “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси.

Операторнинг офиси – Абонентлар қабул қилинадиган ва уларга хизмат кўрсатиладиган, Абонентлар хақида маълумот ва Оператор фаолиятига тааллуқли барча ҳужжатлар сақланадиган ва қайта ишланадиган, Тошкент шаҳри ва Ўзбекистон Республикаси вилоятларидаги ҳудудий узелларида жойлашган хоналар ва бинолар. Оператор офисларининг манзиллари ва иш вақтлари Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилган ва белгиланган тартибда янгиланади (жойлашган жойи ва почта манзиллари ўзгариши ва ҳоказо).

Агентнинг офиси – абонентларга хизматлар кўрсатиш учун Агент томонидан ташкиллаштириладиган ва фойдаланиладиган хизмат кўрсатиш жойи.

Wi-Fi хизмати ташкилотчиси – маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича ўзининг охирловчи ускуналаридан, мижозлар ёки ташриф буюрувчилар ҳисобланадиган тор доирадаги фойдаланувчиларга ускунадан фойдаланишни тақдим этадиган “Ўзбектелеком” акциядорлик компанияси.

Дастлабки аванс тўлови – телекоммуникация хизматларини кўрсатишни бошлаш учун Шартномани тузишдан кейин Абонент томонидан тўлиқ ҳажмда (100%) тўланиши лозим бўлган алоқа хизматининг қиймати. Бошланғич аванс тўлови Оператор Тармоғига киришни тақдим этиш, Абонент томонидан Тариф режасига мувофиқ дастлабки ҳисоб-китоб даври учун танланган Абонент тўлови қиймати ва танланган пулли Телекоммуникация хизматлари қийматидан шакллантирилади. Шунингдек, Абонентга Абонент рақамининг пулли туркуми тақдим этилган ҳолатларда бошланғич аванс тўлови пулли рақамлар туркумининг Абонент рақами қийматини ҳам ўз ичига олади. Абонентга пулли рақам туркуми учун хизматлар тўлови бўлиб-бўлиб тўлаш шарти билан тақдим этилган ҳолатларда, бошланғич аванс тўлови дастлабки ҳисоб даври учун ҳам Абонент тўловини ўз ичига олади.

Шахсий кабинет – Операторнинг веб-сайтидаги ихтисослаштирилган, Абонентнинг Аутентификация маълумотларидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояланган веб-саҳифа. Аутентификация маълумотлари, қабул қилинган Хизматлар ҳажми, Абонентнинг Шахсий ҳисоб рақамининг ҳозирги ҳолати ҳақидаги статистик ва бошқа маълумотларни ўз ичига олади. Шахсий кабинетда кўрсатиладиган ахборот маълумотлари учун берилган ва Операторнинг АҲКТ маълумотларидан фарқ қилиши мумкин. Жорий, тўлиқ бўлмаган уланиш сессиясидаги шахсий кабинетдаги кўрсаткичлар сессия тугаганидан кейинги кўрсаткичлардан фарқ қилиши мумкин ва фақат шахсий кабинет параметрларида сессия якунлангани қайд этилганидан кейингина аниқ ҳисобланади. Абонент Шахсий кабинетда муайян хизматларга обуна бўлиши, уларни бекор қилиши, Паролни ўзгартириши ёки қайта тиклаши ва Оператор томонидан тақдим этиладиган бошқа имкониятлардан фойдаланиши мумкин. Шахсий кабинетнинг функциялари Оператор томонидан бир томонлама ўзгартирилиши мумкин. Шахсий кабинетнинг веб-саҳифасига доимий ҳавола Операторнинг веб-сайтида кўрсатилган.

Тўлов агенти – стационар ёки мобил қурилмаларидан, тўлов терминалларидан/тизимларидан фойдаланган ҳолда Абонентлардан тўловларни қабул қилиш бўйича фаолият юритадиган юридик шахс ёки якка тартибдаги тадбиркор.

Хизматларни кўрсатиш қоидалари/Қоидалар – амалдаги ва Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган:

- Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2018 йил 21 майдаги 173-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 3038) Маълумотларни узатиш тармоғи, шу жумладан Интернет хизматларини кўрсатиш қоидалари;
- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1323) Умумий

фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари;

- Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2009 йил 4 январдаги 2-сон буйруғи билан тасдиқланган (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 6 февралда рўйхатдан ўтказилган, рўйхат рақами 1900) Мобил алоқа хизматларини кўрсатиш қоидалари.

Хизматларни кўрсатиш қоидалари ва шартлари - амалдаги ва Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилган, ушбу Оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланадиган қуйидаги қоидалар ва шартлар:

- Базавий хизмат. “Юридик шахсга, юридик шахс мақомига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркорга Интернет тармоғи ва TAS-IX, Uz-IX тармоғига кириш рухсатини тақдим этиш”;
- Базавий хизмат. “Жисмоний шахсга Интернет тармоғи ва TAS-IX, Uz-IX тармоғига кириш рухсатини тақдим этиш”;
- Базавий хизмат. “IPTV интерактив рақамли телевидение”;
- “Хизматни захирага олиш” ва “Статик IP-манзил” қўшимча хизматлари.

Оператор тармоғидан фойдаланиш – Абонент ҳақидаги маълумотларни қайта ишлаш ва уларни Операторнинг аппарат-дастурий мажмуасига киритиш бўйича Операторнинг ҳаракатлари. Абонентда Оператор тармоғидан фойдаланиш имконияти аванс тўлови киритилганидан кейин пайдо бўлади.

Прейскурант – Телекоммуникация хизматлари рўйхатини ва нархлаш шартларини ўз ичига олган Операторнинг тасдиқланган ҳужжати.

Интернетдан жамоат бўлиб фойдаланиш пункти – фойдаланувчиларга Интернетдан фойдаланиш юзасидан ҳақ эвазига ёки бепул хизматлар кўрсатиш жойи.

Маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг Фойдаланувчиси/Абоненти (бундан буён матнда – “Фойдаланувчи”) – маълумотлар узатиш тармоғи хизматларининг истеъмолчиси бўлган жисмоний ёки юридик шахс.

Томонлар – Оператор ва Абонент – биргаликда, алоҳида – Томон.

Операторнинг тармоғи – Абонентга Телекоммуникация хизматларини кўрсатишга ёрдам берадиган телекоммуникация воситаларининг йиғиндиси. Операторнинг тармоғи қуйидагиларни ўз ичига олади:

- **маълумотлар узатиш тармоғи** – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ягона хизмат кўрсатиш, тақдим этиш ва тўлов тамойиллари асосида барча жисмоний ва юридик шахсларга маълумотлар узатиш хизматларини кўрсатиш учун мўлжалланган телекоммуникация тармоғи;

- **Интернет тармоғи** – ягона манзил ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган, кўплаб тармоқлардан иборат бўлган глобал халқаро тармоқ (бошқариладиган тармоқлар бирлашмаси);

- **Wi-Fi тармоғи** – Wi-Fi технологияси бўйича Интернет тармоғидан фойдаланиш тармоғи;

- мобил алоқа тармоғи – Операторнинг тармоғи, Абонентга Хизматлар кўрсатувчи техник воситалар (коммутацион ва радиоускуна, абонент қурилмалари, уланиш линиялари, иншоотлар ва ш.к.) йиғиндиси;

- телефон алоқасининг тармоғи – аҳоли, муассасалар, ташкилотлар ва корхоналарнинг телефон алоқаси хизматларига бўлган эҳтиёжини таъминловчи АТС, коммутация узеллари, линиялари, каналлари, охирловчи (терминал) ускуналарнинг йиғиндиси;

- маҳаллий телефон алоқаси – битта аҳоли пункти ёки маъмурий туман доирасида жойлашган фойдаланувчилар ўртасида телефон орқали боғланиш;

- шаҳарлараро телефон алоқаси – Ўзбекистон Республикасининг турли маъмурий туманлари (шаҳар таркибидаги туманлардан ташқари) ҳудудида жойлашган фойдаланувчилар ўртасида телефон орқали боғланиш;

- халқаро телефон алоқаси – Ўзбекистон Республикаси ҳудудида телефон алоқаси хизматларидан фойдаланувчи ва бошқа давлат ҳудудида телефон алоқаси хизматларидан фойдаланувчи ўртасида телефон орқали боғланиш;

- виртуал хусусий тармоқ (VPN) – кўплаб фойдаланувчилар томонидан транспорт каналлари бўйлаб биргаликда фойдаланадиган, фойдаланувчиларнинг ёпиқ гуруҳларини қўллаб-қувватлайдиган, виртуал ажратилган транспорт ресурслари тўплами (Миллий стандарт O’z Dst 2818:2014. Телекоммуникация тармоқлари. Атамалар ва таърифлар).

Тариф – Оператор тармоғига уланишда Абонент томонидан тўланадиган, Оператор томонидан Телекоммуникация хизматларининг ўлчов бирлиги учун ўрнатилган нарх.

Тариф режаси – нархли шартлар йиғиндиси, улар асосида Оператор бир ёки бир нечта телекоммуникация хизматларидан фойдаланишни таклиф этади.

Телекоммуникация хизматларини қабул қилишнинг техник имконияти – Абонентда мазкур Шартнома шартларига мувофиқ Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган тегишли техник воситалар ва шароитлар мавжудлиги.

Телекоммуникация хизматлари кўрсатилишининг техник имконияти – Операторнинг хизмат кўрсатиш доирасида Абонентга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш учун зарур бўлган, ишлайдиган телекоммуникация воситаларининг мавжудлиги.

Wi-Fi технологияси – алоқанинг телематик хизматларидан фойдаланиш учун Фойдаланувчи ускуналарининг симсиз уланишини таъминловчи радиоканаллар бўйича рақамли маълумотларни узатиш усули.

Абонентнинг шахсини тасдиқловчи гувоҳнома – Ўзбекистон Республикаси фуқароси паспорти, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги 116-сонли қарорига мувофиқ берилган янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси, ҳарбий хизматчининг паспорт маълумотлари ва унинг рўйхатдан ўтган жойини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги маълумотнома илова қилинган ҳарбий билет, (телефония учун турар-жой ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат), вақтинча рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги белги билан хориж фуқаросининг паспорти.

Чеклов даражаси – Абонент шахсий ҳисоб рақамидаги (балансидаги) пул маблағларининг энг кам миқдори, унга мувофиқ Оператор Абонентга кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини чеклаш ёки хизматлар кўрсатилишини тўхтатиш ҳуқуқига эгадир.

Телекоммуникация хизматлари – қуйидаги хизматларни кўрсатиш бўйича Оператор фаолиятининг маҳсулоти:

1. Телеграф алоқаси:
- халқаро, ҳудудлараро (вилоятлар ўртасида);
- минтақалараро (вилоят ичида).
2. Халқаро телефон алоқаси:
- халқаро телефон суҳбати;
- йўлдош алоқанинг халқаро тармоқлари;
- VoIP-шлюз орқали олдиндан тўланган карталар бўйича халқаро суҳбатларни тақдим этиш хизматлари (IP-телефония).
3. Шаҳарлараро телефон алоқаси:
- ҳудудлараро (ҳудудлар ўртасида);
- минтақалараро (вилоят ичида).
4. Шаҳар ва қишлоқ телефон алоқаси:
- тармоқдан фойдаланиш учун тўлов;
- шахсий фойдаланишнинг асосий телефон аппаратидан фойдаланиш учун абонент тўлови;
- лимитдан ортиқ фойдаланганлик учун вақтбай тўлов;
- қўшимча хизматлар турлари (ҚХТ);
- xDSL технологияси бўйича кенг полосали уланишни (иккиламчи зичланишни) ташкиллаштиришда жорий телефон алоқа линиясидан фойдаланиш;
- охирловчи пунктлар ўртасида бевосита алоқани ташкиллаштириш учун тўғри симни ижарага олиш;
- қисқартирилган рақамни тақдим этиш бўйича хизмат.
5. Кенг полосали уланиш:
- маълумотлар узатиш тармоғи;
- Интернет тармоғига уланиш, жумладан Wi-Fi технологияси бўйича;
- (VPN) маҳаллий виртуал хусусий тармоқ (тақдим этиш шартлари алоҳида шартнома билан тартибга солинади);
- (VPN) халқаро виртуал хусусий тармоқ (хизматлар Буюртмачининг талабига кўра тақдим этилади. Уланиш Ўзбекистон Республикаси ва ундан ташқарида жойлашган пунктлар (IP-манзиллар) ўртасида амалга оширилади. Ушбу хизматдан фойдаланиш овозли телефон трафигини ўтказиб юбориш имкониятини истисно қилади, Абонентнинг шахсий эҳтиёжлари учун фойдаланишга мўлжалланган маълумотларни узатиш учун алоҳида ва 128 кбит/с гача бўлган полосадаги овозли трафикни узатиш учун алоҳида VPN тақдим этиш бундан мустасно);
- IPTV.
6. Мобил алоқа (GSM ва CDMA стандартлари бўйича):
- мобил алоқа (овозли);
- мобил Интернет;
- қўшимча хизматлар ва контент хизматлари.
7. Халқаро каналларни ижарага бериш.
8. Каналларни ижарага бериш:
- телеграф каналлари;
- шаҳарлараро аналогли, рақамли, Ethernet каналлари;
- ҳудудлараро (ҳудудлар ўртасида);
- минтақалараро (вилоят ичида);
- маҳаллий (шаҳар ёки туман ичида).

9. Дата-марказлар:
- виртуал сервер хизмати (VDC);
- виртуал ишчи сервер хизмати (VDC);
- булутли технологиялар асосида видеоконференцалоқа хизмати (VC);
- Co-location хизмати;
- “Ҳақиқий IP-манзил” хизмати;
- “виртуал флешка” хизмати;
- “UZ” зонасида иккинчи даражали доменларни рўйхатдан ўтказиш хизмати.
9. Гуруҳли шаҳарлараро телефон алоқаси (аудиоселектор).
10. Терминал ускуналарида видеоконференцалоқа хизмати:
- халқаро;
- республика ичида.
11. Каналларни тақдим этиш ҳамда телевизион ва овозли эшиттириш дастурларини ажратиш.
12. ISDN хизматлари:
- PRI, OKC-7, CAS сигнализациялари бўйича бир дона E1 трактли каналнифойдаланишга бериш;
- OKC-7 сигнализациянинг каналидан фойдаланиш.
13. Колл-марказнинг интеллектуал хизматлари:
- теле-овоз бериш;
- қўшимча тариф;
- бепул қўнғироқ;
- абонентларга автоматик равишда қўнғироқ қилиш;
- виртуал офис;
- табрик;
- эртак;
- пазандалик рецептлари;
- Аутсорсинг – Абонентнинг шахсий компьютеридаги масофавий иш жойи (оператор-телефонистсиз), Операторнинг иш жойи оператор-телефонист билан;
- телефон рақамлари тўғрисида маълумотни тақдим этиш (1009);
- автоматик маълумотни тақдим этиш (об-ҳаво 1001, аниқ вақт 1004 ва ҳ.к.).
14. SIP – trunk протоколи бўйича виртуал каналдан фойдаланиш.
15. Алоқа бино ва иншоотларни ижарага бериш (ижарага бериш шартлари бино ва иншоотларни ижарага бериш бўйича алоҳида шартнома билан тартибга солинади).
16. Маҳаллий телекоммуникация тармоқларининг кабелли канализация каналларини ижарага бериш (ижарага бериш шартлари кабелли канализация каналларини ижарага бериш бўйича алоҳида шартнома билан тартибга солинади).
17. Кенг масштабли (LED) экранларини ижарага бериш (ижарага бериш шартлари кенг масштабли (LED) экранларини ижарага бериш бўйича алоҳида шартнома билан тартибга солинади).
18. Реклама конструкцияларида реклама материалларини жойлаштириш ва ҳ.к., бу хизматлар Оператор томонидан Абонентга мазкур Шартнома асосида кўрсатилади. Абонентга Оператор томонидан кўрсатиладиган телекоммуникация хизматларининг рўйхати Операторнинг веб-сайтида жойлаштирилган.

Wi-Fi хизматлари – маълумотлар узатиш тармоғи хизматларидан фойдаланиш учун Wi-Fi технологияси бўйича охирловчи ускуналарга фойдаланувчиларнинг чекланган ёки чекланмаган доирасига ускунадан фойдаланишни тақдим этиш;

Фрод – ахборот технологиялари соҳасидаги фирибгарлик тури, хусусан, рухсатсиз ҳаракатлар ҳамда Операторнинг ресурслари ва Телекоммуникация хизматларидан ҳуқуқсиз фойдаланиш.

SIM-карталар – Абонент қурилмасининг идентификациясини, унинг GSM мобил алоқа тармоғига уланишини таъминловчи, шунингдек, Абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояловчи, микросхема ўрнатилган идентификациялаш модули.

RUIM-карталар (Removable User Identity Module) – Абонент қурилмасининг идентификациясини, унинг CDMA мобил алоқа тармоғига уланишини, шунингдек, Абонент рақамидан рухсатсиз фойдаланишдан ҳимояловчи, микросхема ўрнатилган идентификациялаш модули.

Операторнинг веб-сайти – Операторнинг фаолияти, кўрсатиладиган телекоммуникация хизматлари тўғрисидаги расмий маълумотни ўз ичига олган, Интернет тармоғида www.uztelecom.uz манзили бўйича жойлаштирилган Операторнинг ахборот манбаи.

2. Шартнома предмети

2.1. Оператор Абонентга Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш мажбуриятини ўз зиммасига олади, Абонент эса Оператор томонидан кўрсатилган Телекоммуникация хизматларини ушбу Оммавий оферта билан белгиланган шартларда ва тартибда тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

2.2. Тариф режаларининг шартлари, Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш шартлари ва тартиби Оператор томонидан белгиланади ва Операторнинг офисларида, Операторнинг веб-сайтида ва/ёки оммавий ахборот воситаларида жойлаштирилади.

2.3. Абонент шартномаси, Тариф режаларининг шартлари, шунингдек, Телекоммуникация хизматларини Оператор томонидан кўрсатиш шартлари ва тартиби мазкур Оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланади.

3. Шартнома тузиш тартиби ва хизматлар кўрсатиш шартлари

3.1. Хизматларни кўрсатиш бўйича Шартномани тузиш учун Абонент қуйидагиларни тақдим этади:

- Мобил алоқа, маълумотларни узатиш ва Интернет тармоғидан фойдаланиш хизматлари кўрсатилиши бўйича Шартномани тузиш учун Абонент Операторга Абонентнинг шахсини тасдиқловчи гувоҳномани тақдим этади. Бунда, Абонент Операторга Абонентнинг маълумотларини, шу жумладан шахсий маълумотларини Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги шартларига мувофиқ қайта ишлашга розилик беради;
- Телефон алоқаси хизмати кўрсатилиши бўйича Шартномани тузиш учун Абонент Қоидаларга мувофиқ ёзма аризасини тақдим этади.

3.2. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўйича Абонент ва Оператор ўртасидаги Шартнома Операторнинг офисларида, Агентнинг офисларида ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, Оператор учун қулай бўлган бошқа усуллар билан тузилади.

3.2.1. Шартномани тузишда томонлар телекоммуникация хизматларини қабул қилиш ва кўрсатиш учун Техник имкониятлар мавжудлигини аниқлаши керак.

3.2.2. Телекоммуникация хизматлари кўрсатилишининг техник имконияти бўлмаган ҳолларда, Шартнома Телекоммуникация хизматларини кўрсатишнинг техник имконияти пайдо бўлмагунга қадар, бироқ Шартнома тузилган пайтидан бошлаб

30 (ўттиз) кундан ошмаган муддатга, Телекоммуникация хизматларини тақдим этиш учун Абонентнинг мурожаати кучига эга бўлади.

3.2.3. Ушбу муддат тугагач, хизматларни кўрсатиш учун техник имкониятлар мавжуд бўлмаган тақдирда, Шартнома ўз кучини йўқотади.

3.3. Абонент томонидан бошланғич аванс тўлови амалга оширилиши Телекоммуникация хизматлари тақдим этилишининг бошланиши ва Акцепт қилиниши (Абонентнинг ушбу Оммавий оферта шартларини қабул қилишга розилиги) ҳисобланади.

3.4. Телекоммуникация хизматлари кўрсатилишининг техник имконияти мавжуд бўлиб, Шартнома тузилган санадан бошлаб бир сутка ичида Абонент томонидан Бошланғич аванс тўлови амалга оширилмагани Абонентнинг Шартномани рад этганини англатади. Агар Бошланғич аванс тўлови ушбу бандда белгиланган муддатда тўлиқ ҳажмда амалга оширилмаган бўлса, тўланган пул миқдори ушбу Оммавий офертанинг 12.5-бандда назарда тутилган тартибда қайтарилиши лозим.

3.5. Абонент Шартнома тузганда, яъни ушбу Оммавий оферта шартларини қабул (акцепт) қилганда, Оператор томонидан кўрсатилаётган хизматлар эҳтиёжларини қондириш учун мўлжалланган хоналар, шу жумладан умумий фойдаланишдаги хоналар, бинонинг таянч тузилмалари, хона (офис) ичида ёки ташқарисида жойлашган механик, электр ва бошқа ускуналар, шунингдек иншоотлар ва бинолардан фойдаланишга розилик беради.

3.6. Оператор Телекоммуникация хизматлари кўрсатилишининг техник имкониятларини инобатга олган ҳолда кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини мустақил равишда белгилайди.

3.7. Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тартиби ушбу Оммавий офертанинг ажралмас қисми ҳисобланган хизматлар турларига қараб тегишли Қоидалар ва шартларда белгиланади.

3.8. Телекоммуникация хизматларидан фойдаланиш учун Абонент телекоммуникация хизматларини қабул қилишнинг техник имкониятига эга бўлиши керак. Бунда, Оператор Абонент олдида Телекоммуникация хизматларини қабул қилиш учун техник воситалари ва шароитларни тақдим этиш (созлаш бўйича хизматлар кўрсатиш) бўйича жавобгар бўлмайди.

3.9. Абонентни идентификация қилиш ва Хизматларга ҳамда Шахсий Кабинетга кириш Абонентнинг шахсий идентификация маълумотлари ёрдамида амалга оширилади.

3.10. Абонентнинг шахсий идентификация маълумотлари Абонентга Операторнинг/Агентнинг офисида берилади.

3.11. Кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари қуйидагиларга бўлинади:

- базавий телекоммуникация хизматлари – қўшимча ҳақсиз кўрсатилаётган хизматлар. Базавий телекоммуникация хизматларининг рўйхати ўрнатилган тартибда белгиланади;

- қўшимча телекоммуникация хизматлари – Оператор томонидан Прейскурант бўйича қўшимча ҳақ эвазига кўрсатилаётган хизматлар.

3.12. Телекоммуникация хизматларидан фойдаланишда Абонентга базавий телекоммуникация хизматлари тақдим этилади. Қўшимча телекоммуникация хизматлари танланган Тариф/Тарифлар режасига ҳамда танланган Телекоммуникация хизматининг тегишли Қоидалари ва шартларига мувофиқ базавий телекоммуникация хизматлари билан биргаликда ва алоҳида-алоҳида кўрсатилади.

3.13. Абонент танлаган Тариф режаси билан белгиланган лимит ишлаб чиқилганидан сўнг, Абонент Шахсий ҳисоб рақамининг баланси ижобий бўлган тақдирда Абонентга базавий ёки қўшимча телекоммуникация хизматларидан фойдаланишга рухсат берилади.

3.14. Шахсий ҳисоб рақамининг баланси нолга тенг ёки салбий (қарздорлик мавжуд) бўлган тақдирда, Абонент Аванс тўловини тўлагунга ва ҳисобидаги маблағларни тўлдиргунга қадар, Оператор базавий ва қўшимча телекоммуникация хизматларидан фойдаланишни блоклайди.

3.15. Телекоммуникация хизматлари (телеграф алоқа хизматлари бундан мустасно) Оператор томонидан ҳар куни, кунига 24 соат давомида узилишсиз кўрсатилади (зарур профилактика ва таъмирлаш ишлари бажарилиши бундан мустасно).

3.16. Профилактика ва таъмирлаш ишлари, Йирик авариялар ва уларнинг оқибатлари, шунингдек, Абонент қурилмасидаги носозликларни бартараф этиш бўйича ишлар Телекоммуникация хизматларини кўрсатишда танаффус ва/ёки белгиланган муддатларнинг бузилиши деб ҳисобланмайди.

4. Операторнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

4.1. Оператор қуйидагиларга ҳақлидир:

4.1.1. Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, уруш, зўравонлик ва порнография ғояларини тарғиб қилишга, диний ва миллий адоват қўзғатувчи, одамнинг шон-шарафини ва қадр-қимматини чеклашга қаратилган ва қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймаслик учун Ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган тегишли ташкилий ва техник чораларни кўриш.

4.1.2. Операторнинг расмий веб-сайтида тегишли ахборотни жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида нашр этиш йўли орқали ёки Оператор учун маъқул бўлган бошқа усуллар билан Абонентни даврий ўзгаришлар тўғрисида хабардор қилган ҳолда, Абонентга хизмат кўрсатишни тўхтатиб туриш муддатини ва Абонент томонидан активация бўлмаган умумий муддатни ўзгартириш.

4.1.3. Операторнинг расмий веб-сайтида маълумотларни жойлаштириш ёки Операторга қулай бўлган усуллар орқали Абонентга камида 10 кун олдин билдиришнома юбориш йўли билан ушбу Оммавий Оферта/Шартнома, Тарифлар/Тариф режалари шартларига бир томонлама ўзгартириш киритиш.

4.1.4. Операторнинг расмий веб-сайтида Абонентни огоҳлантирган ҳолда ўз томонидан ҳеч бир мажбуриятларсиз бирор бир тадбир ёки акцияни ўтказиш.

4.1.5. Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган тартибда Абонентнинг рақамини бир томонлама равишда ўзгартириш.

4.1.6. Маълумотларни узатишда хавфсизликни таъминлаш ва Абонентга кўрсатилаётган хизматларнинг тегишли сифатини таъминлаш мақсадида, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқ, Хизматлар кўрсатилишининг тўхтатилиши назарда тутилган техник тадбирларни ўтказиш.

4.1.7. Абонентнинг ҳисоб рақамида етарли миқдорда депозит мавжуд бўлса, Абонентнинг мавжуд бўлган қарзини қоплаш учун бор пул маблағларини ечиб олиш.

4.1.8. Абонентнинг айби билан кўрилган моддий зарар қопланишини қонун ҳужжатлари билан белгиланган тартибда талаб қилиш.

4.1.9. Абонентнинг кафиллик мажбуриятларидан келиб чиққан ҳолда (Абонентлар – жисмоний шахслардан ташқари), Шахсий (электрон) баланс салбий қолдиқдан иборат бўлган ҳолларда, 7 календарь кунидан ортиқ бўлмаган муддатга Хизматлардан фойдаланиш имконини тақдим этиш. Абонентнинг кафиллик мажбуриятларида Хизматлардан фойдаланишнинг ойлик Абонент тўлови миқдори чегарасида Хизматлардан фойданиш муддати ва миқдори кўрсатилади. Бунда, Абонент Оператор томонидан кўрсатилган, бироқ тўланмаган Хизматлар учун ҳисобланган суммаларни шак-шубҳасиз тан олади ва Оператор томонидан ҳисоб учун тақдим этилган тўловни 5 (беш) календарь куни давомида тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. Тўловни амалга ошириш учун ҳисобварақаси почта орқали, шу жумладан электрон почтаси орқали, қўлдан-қўлга бериш йўли билан ёки курьер орқали юборилиши мумкин.

4.1.10. Оператор режадаги технологик ишларни ва бошқа турдаги ишларни амалга оширади, Оператор тармоғини модернизация қилиш ва хизматларни тақдим этишни ташкил этишнинг техник жиҳатлари билан боғлиқ ҳолда дастурий таъминотни янгилаш учун Оператор бир томонлама равишда дастурий таъминот созламалари параметрларини аниқлайди.

4.1.11. Хизматлар тақдим этилаётган хизматлар сифатини ва ишончлилигини ошириш, шу жумладан тақдим этилган дастурлар, кутубхоналар, функциялар ва маъмурий воситалар рўйхатидаги ўзгаришлар сифатини ошириш мақсадида Хизматларни тақдим этишнинг техник параметрларини бир томонлама ўзгартириш.

4.1.12. Оператор қонун ҳужжатларида, мазкур Оммавий офертада/Шартномада, тегишли Хизматларни кўрсатиш қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

4.1.13. Шартнома тузишни рад этиш:

4.1.13.1. Агар Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш давлат мудофааси хавфсизлиги, одамларнинг соғлиғи ва хавфсизлигига хавф туғдирса.

4.1.13.2. Потенциал Абонентда техник имконият мавжуд бўлмаганда.

4.1.13.3. Операторда потенциал Абонентга Оператор томонидан аввал кўрсатилган телекоммуникация хизматлари учун қарздорликлар тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлган ҳолларда.

4.1.13.4. Операторда бошқа Абонент томонидан йўқотилган ёки Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ равишда сертификатлаштирилмаган Абонент қурилмаси тўғрисида маълумотлар мавжуд бўлганда.

4.1.14. Телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини қуйидаги ҳолатларда тўхтатиш:

4.1.14.1. Абонент томонидан Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талаблари ва телекоммуникация хизматлари кўрсатилишини тартибга солувчи норматив актларнинг бузилишида.

4.1.14.2. Агар Абонент қурилмасининг ишлаши, шунингдек, Абонентнинг хатти-ҳаракатлари Оператор тармоғининг техник воситалари ва/ёки дастурий таъминотига зарар етказиши мумкин бўлса.

4.1.14.3. Абонент томонидан Операторнинг тармоқ реквизитларидан фойдаланган ҳолда Операторнинг маълумотлар узатиш тармоғидаги дастурлар, жиҳозлар ва ахборот ресурсларига рухсатсиз киришга уринишларда.

4.1.14.4. Абонентни тегишли равишда белгиланган тартибда хабардор қилган ҳолда Оператор тармоғида режадаги технологик ишларни амалга ошириш вақтида.

4.1.14.5. Абонент томонидан Телекоммуникация хизматлари учун Аванс тўловлари / Абонент тўловлари амалга оширилмаганда / ўз вақтида амалга оширилмаганда. Бундай ҳолларда Абонент Шартнома шартларида назарда тутилган Хизматлар бўйича тўловларни амалга оширишдан озод этилмайди.

4.1.14.6. Абонент томонидан ушбу таклиф этилаётган Оммавий оферта шартлари ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида назарда тутилган, шунингдек, телекоммуникация хизматлари кўрсатилишининг тегишли қоидаларига мос бўлган бошқа ҳолатлар бузилишида Абонентнинг Оператор тармоғига такрор кириши камчиликлар тўлиқ бартараф этилганидан кейин Оператор тарифлари бўйича амалга оширилади, бунда Абонент томонидан аввал белгиланган тариф/Тариф режаси сақланиши кафолатланмайди.

4.1.14.7. Абонентнинг 1 (бир) календарь ойидан кўп бўлмаган муддатга ва календарь йилининг 2 (икки) ойидан кўп бўлмаган муддатга Хизматларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги ёзма мурожаатномаси асосида “Хизматлар захираси” хизматига улаш . Бунда, “Хизматни захирага олиш” хизмати учун пул маблағларининг ечилиши хизмат фаоллаштирилганда автоматик равишда амалга оширилади. “Хизматлар захираси” хизматларининг амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, 1 (бир) календарь ойи давомида Абонент томонидан хизматлар кўрсатиш тўғрисидаги ёзма мурожаат тақдим этилганда ва аванс тўлови амалга оширилганда, Абонент учун хизматларни янгилаш имконияти сақланиб қолади. Абонент аванс тўловини амалга оширмаган ва хизматларни фаоллаштирмаган ҳолларда, Оператор Абонентни блоклаш ва фаоллаштиришнинг умумий муддати тугаганидан сўнг ушбу Оммавий офертанинг 12.3.2. бандларига мувофиқ Абонент билан тузилган Шартномани бир томонлама бекор қилиш ҳуқуқига эга. Портдаги бир нечта хизматлардан бири фаол бўлган ҳолларда, “Хизматни захирага олиш” хизмати фаоллашмайди.

4.1.14.8. Абонент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид бўлган пуллик хизматларни кўрсатиш учун Абонент қурилмасидан фойдаланган ҳолларда.

4.1.14.9. Тармоқ орқали бошқа Абонентлар обрўсига путур етказадиган маълумотларни тарқатиш, тармоқ бўйлаб талаб қилинмайдиган материалларни кенг оммага тарқатиш, тармоқ этикасини бузиш, вируслар, лицензиясиз мусиқа ёки видеолавҳалар тарқатиш, IP-манзилларини сохталаштириш.

4.1.14.10. Хостинг хизматидан прокси-сервер, тармоқ виртуал қисми (VPN) сифатида фойдаланиш, шунингдек, прокси-сервер ва VPN билан боғлиқ дастурий таъминотнинг хостинг-аккаунтига қурилма ўрнатиш.

4.1.15. FTTx абонент қурилмалари орқали Абонентларга кенг қамровли кириш хизматлари кўрсатиш вақтида Операторнинг бошқа фойдаланувчиларга радиосигнал нуқталари орқали Интернет хизматларидан фойдаланишга кириш имкониятини тақдим этиш. Бунда Оператор кириш нуқтасининг радиосигнали Абонентга кўрсатилаётган хизмат сифатига таъсир кўрсатмаслиги керак.

4.2. Қуйидагилар Операторнинг мажбуриятлари ҳисобланади:

4.2.1. Абонентга сифати ваколатли органлар томонидан белгиланадиган параметрларга мос келадиган (алоқа ўрнатиш, маълумотлар узатиш, узиб қўйиш), шунингдек, техник стандартларга, фойдаланиладиган тармоқ стандартларига мувофиқ хизматларни тақдим этиш.

4.2.2. Операторнинг хизмат кўрсатиш доирасида Абонентга Хизматларни кўрсатиш.

4.2.3. Абонентга кўрсатилаётган Хизматлар хақида ҳаққоний маълумот тақдим этиш.

4.2.4. Абонентга хизматлар кўрсатишда аниқланган камчиликлар ва тўхталишларни бартараф этиш бўйича чораларни кўриш.

4.2.5. Абонентга Хизматлардан фойдаланиш ва тақдим этилган хизматлар учун тўловларни амалга ошириш бўйича маслаҳатларни ташкил этиш.

4.2.6. Хизматлар учун тўлов ва/ёки Абонент тўлови амалга оширилмаганлиги учун ўчирилган Абонентни Оператор Тармоғига улаш Абонент томонидан танланган Тариф/Тариф режасига мувофиқ аванс тўлови тўланганидан сўнг амалга оширилади.

4.2.7. Абонентнинг шахсий маълумотларини ҳимоя қилиш ва қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа талабларга риоя қилиш учун зарур ташкилий чораларни қабул қилиб, Абонент ҳақида маълумотларнинг махфийлигини таъминлаш.

4.2.8. Абонентга Прейскурантдаги тарифлар ва хизматларга ўзгартириш киритилганлиги тўғрисида расмий веб-сайтда камида 10 кун олдин эълон жойлаштириш орқали хабар қилиш.

4.2.9. Абонентларга хизмат кўрсатиш билан боғлиқ расмий хабарларни эълон қилиш, хизматларни тақдим этиш шартлари ва уларнинг нархларини ўзгартириш, банк реквизитларини ўзгартириш ва бошқа зарур маълумотларни ўзининг расмий веб-сайтида эълон қилиш.

4.2.10. Абонентга режалаштирилаётган техник ишлар ўтказилиши, ушбу ишларнинг бошланиш санаси ва вақти, уларнинг давом этиш муддати тўғрисидаги маълумотни кўрсатган ҳолда камида 24 (йигирма тўрт) соат олдин Операторнинг веб-сайтида эълон қилиш.

4.2.11. Оператор тармоғи ускуналарининг ишлашини таъминлаш.

4.2.12. Ушбу Оммавий офертанинг 5.2.6 бандида кўрсатилган фрод ва Абонентнинг мажбуриятларини бузиш ҳоллари ҳақида тегишли ваколатли органларга хабар бериш.

4.2.13. Мобил алоқа хизматлари тақдим этилаётганда, Оператор билан ушбу тармоқ операторлари билан тегишли келишувлар мавжуд бўлган ҳолларда ва Абонент томонидан ушбу хизматлар ўрнатилганда, шунингдек, Абонент томонидан танланган тариф режасида назарда тутилган ҳолда Абонентга бошқа мобил алоқа тармоқлари (роуминг) хизматларидан фойдаланиш имкониятини бериш.

4.2.14. Кўрсатилаётган Хизматларнинг танланган турига қараб:

- Хизматларни улаш/ускуналарни ўрнатиш санасидан бошлаб 10 (ўн) иш куни ичида уланиш хизматларини топшириш-қабул қилиш далолатномасини тақдим этиш;
- Абонент ускуналарини Оператор устунида жойлаштириш, Абонент ускуналарини Оператор тармоғига ва/ёки Tas-IX, Uz-IX ёки бошқа маълумотлар узатиш тармоғига улаш, бунда ускуналарни узатиш Оператор жойлашган манзили бўйича Ускуналарни бериш тўғрисидаги далолатномани имзолаш йўли билан амалга оширилади;
- Абонентнинг Оператор олдидаги қарзи тўлиқ тўланганидан сўнг, Абонентга ускуналарни қайтариш. Бунда, ускуналарнинг қайтарилиши Операторнинг жойлашган манзили бўйича, хизматлар кўрсатиш муддати тугаган санасидан бошлаб 2 (икки) иш куни ичида, Томонлар имзолаган Ускуналарни қайтариш бўйича имзоланган далолатнома асосида амалга оширилади;
- Абонентнинг талабномаси бўйича Абонентнинг ускуналаридан жисмоний фойдаланиш имкониятини тақдим этиш. Бунда, ускуналар демонтаж қилинади ва мижознинг махсус хоналарига олиб чиқилади;

- Абонент томонидан тўланган давр мобайнида ускуналарнинг жавобгар ҳолда сақланишини амалга ошириш. Абонент хизматлар бўйича тўловларни амалга оширмаган ҳолларда, Оператор ускуналарнинг жавобгар ҳолда сақланишини амалга оширмайди ва Абонент ускуналарининг хавфсизлиги учун жавобгар бўлмайди;

- иккита мустақил кириш орқали энергия қувватини битта киришдан иккинчисига (АВР) автоматик тарзда ўтказиш ва узлуксиз энергия қуввати манбаи (UPS) билан таъминлаш.

4.2.15. Йирик авария содир бўлган тақдирда Абонентга Телекоммуникация хизматлари кўрсатишни тиклашнинг кутилган шартларини кўрсатиб оммавий ахборот воситалари орқали хабар қилиш.

4.2.16. Wi-Fi хизматини кўрсатишда, фойдаланувчилар/Абонентларнинг шахсини идентификациялаш ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланилган веб-ресурслари (log-файллар) ҳисобини юритиш бўйича аппарат-техник чора-тадбирлар кўриш.

4.2.17. Ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи ахборотни, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотнинг ва тарқатилиши қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган чораларни кўриш.

5. Абонентнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

5.1. Абонент қуйидаги ҳуқуқларга эга:

5.1.1. Оператор томонидан ўрнатилган тарифларга, техник стандартларга, Ўзбекистон Республикасининг стандартларига, танланган турдаги телекоммуникация хизматлари учун тегишли Қоидалар ва шартларга ва ушбу Шартноманинг шартларига мувофиқ Шартномада назарда тутилган хизматлардан фойдаланиш.

5.1.2. Тариф / тариф режасини, тақдим этиладиган хизмат турларини Оператор томонидан белгиланган тартибда, унинг техник имкониятларини ҳисобга олган ҳолда ўзгартириш.

5.1.3. Оператор томонидан Ўзбекистон Республикасининг техник нормативлари ва стандартларига ва ушбу Шартномага мувофиқ ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатиш.

5.1.4. Шахсий кабинетда (Шахсий кабинет тақдим этилиши мумкин бўлган хизматлар учун қўлланиладиган хизматлар) ва Оператор орқали Шахсийлаштирилган Хизматлар миқдори, шунингдек, Ҳисобдаги шахсий тўловлар бўйича тўловлар, дебетлар ва маблағ қолдиғи ҳақида батафсил маълумотни олиш.

5.1.5. Истеъмолчиларнинг хусусиятлари ва кўрсатилаётган хизматларнинг сифати ҳақида маълумот олиш.

5.1.6. Хизматлардан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ҳолатларда Операторнинг маслаҳат ва техник ёрдамидан (сайтида жойлаштирилган шартлар бўйича) фойдаланиш.

5.1.7. Операторнинг техник ёрдам хизматига ариза билан мурожаат қилиш ва Оператордан Абонентгача бўлган масофада алоқа каналларининг характеристикалари ва параметрларининг сифати пасайиб қолса, ушбу бузилишлар бартараф этилишини талаб қилиш.

5.1.8. Операторни ёзма равишда хабардор қилиб, Хизматлардан фойдаланишни тўхтатиб туриш.

5.1.9. Оператор томонидан ушбу Оммавий оферта / Шартномада кўзда тутилган шартлар ва Хизматларни тўлаш бўйича қарздорлик бўлмаса, Оператор билан келишувни бир томонлама бекор қилиш, Хизматларни рад этиш.

5.1.10. Вақти-вақти билан (7 кун давомида камида бир марта) расмий WEB – сайтда тақдим этилаётган хизматлар бўйича ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларнинг мавжудлигини текшириб бориш.

5.1.11. Абонент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида ва ушбу Шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

5.1.12. Бошқа фойдаланувчиларга Операторнинг фойдаланиш нуқтасини тақдим этиш учун FTTx абонент қурилмасидан фойдаланишни рад этиш. Бундай ҳолда, рад этиш ёзма равишда тақдим этилиши керак.

5.2. Абонентнинг мажбуриятлари:

5.2.1. Ушбу Шартноманинг шартларини бажариш.

5.2.2. Шартнома бўйича ўз ҳуқуқларини шахсан ёки қонуний, ёхуд нотариал тасдиқланган ишончнома асосида ишлайдиган вакиллар орқали амалга ошириш, шунингдек, Хизматлардан шахсий мақсадларда фойдаланиш. Абонент қурилмаси / Фойдаланувчининг ускунаси билан амалга ошириладиган алоқа хизматларини олишга қаратилган хатти-ҳаракатлар Абонентнинг манфаати учун амалга оширилган ҳисобланади.

5.2.3. Хизматлардан фойдаланишдан олдин долзарб Хизматлар, тариф режалари, Хизматлар тарифлари ва бошқа маълумотлар билан танишиш.

5.2.4. Ўзбекистон Республикасида белгиланган стандартларга мувофиқлиги тўғрисидаги сертификатга эга бўлган Абонент қурилмасидан фойдаланиш.

5.2.5. Абонент қурилмасидан ишлаб чиқарувчининг кўрсатмаларига мувофиқ, муайян ҳудудда амалда бўлган махсус қоидалар ва юзага келиши мумкин бўлган шовқин ёки хавфли вазиятда чекловларни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш. Оператор Абонентга белгиланган чеклашлар ва талаблар тўғрисида хабар беришга мажбур эмас.

5.2.6. Хизматлардан қонунга хилоф мақсадларда фойдаланмаслик, шунингдек, Оператор ва/ёки у билан ўзаро боғлиқ учинчи шахсларга зарар етказадиган ҳаракатларни амалга оширмаслик, шу жумладан ўзининг Абонент қурилмаларидан дастурий таъминотни тарқатмаслик ва тарқатилишига кўмаклашмаслик, IP-манзиллар, Абонент рақамларини қалбакилаштирмаслик, Оператор тармоғи, ускуналари, дастурий таъминотининг меъёрий ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни амалга оширмаслик, Оператор тармоғида рухсат этилмаган ҳаракатларни амалга оширмаслик ҳамда ресурслар ва хизматлардан ғайриқонуний тарзда фойдаланмаслик.

5.2.7. Халқаро виртуал хусусий тармоқ хизматларидан (VPN) овозли телефон трафигини ўтказишда фойдаланилмаслик, ушбу шартлар Абонент томонидан бошқа истеъмолчиларга (абонентлар, провайдерлар) Интернет хизматларини амалга оширишда қўлланилади.

5.2.8. Операторга Шартномани тузишда бундай маълумотни талаб қиладиган даражада ҳужжатлаштирилган шахсий маълумотларни тақдим этиш, шунингдек, хат-хабарларни етказиш, банк реквизитлари, почта манзили ва вақтинчалик яшаш манзили, Шартномани бажариш учун ишлатиладиган бошқа маълумотлар учун аниқ почта манзилини тақдим этиш. Ушбу маълумотлар ўзгартирилган тақдирда, Операторга янги маълумотлар билан ушбу ўзгартиришлар кучга кирган кунидан бошлаб 10 (ўн)

календарь кун мобайнида ёзма равишда хабар бериш (Абонент ушбу мажбуриятни бажармаган ҳолда, Оператор томонидан ушбу Шартномада кўрсатилган мажбуриятлар тўғри бажарилган деб ҳисобланади). Абонентнинг почта манзили бўйича янги маълумотлардан фойдаланиш бўйича хизматлар Оператор томонидан ушбу маълумотларга оид маълумотларни олган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб тақдим этилади.

5.2.9. Абонент қурилмасини ноқонуний мақсадларда, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Операторнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини бузадиган, шу жумладан имиж, молиявий ва бошқа зарарларга олиб келадиган мақсадларда фойдаланмаслик. Шу билан бирга, Абонент Оператор томонидан тақдим этиладиган Хизматлар лицензияланган фаолият тури эканлигини ва уларни тақдим этишдаги тартибни бузганлиги, шу жумладан қайд этилган алоқа тармоғига кириш учун шлюзлар ўрнатилиши, Интернет-телефония ва Абонент қурилмасини ва/ёки алоқа қурилмасининг иш фаолияти бузилишига олиб келувчи бошқа тадбирлар, Операторга зарар етказадиган алоқа воситалари учун Абонент белгиланган тартибда жавобгар ҳисобланади, шунингдек Операторга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди.

5.2.10. Ахборот ресурслари ҳимоя қилинишини таъминлашга, Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, уруш, зўравонлик ва порнография ғояларини тарғиб қилишга, диний ва миллий адоват қўзғатувчи, одамнинг шон-шарафини ва қадр-қимматини чеклашга қаратилган ахборотнинг тарқатилиши, амалдаги қонун ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотнинг тарқатилишига йўл қўймасликка қаратилган тегишли ташкилий ва техник чораларни кўриш.

5.2.11. Ахборот хавфсизлигини таъминлаш талабларига қатъий амал қилиш, ахборот хавфсизлиги масалаларини ҳал қилишда Операторга ёрдам бериш.

5.2.12. Амалдаги ҳисоб-китоб тартиби, Тарифлар/Тариф режаси ва тақдим этилаётган Хизматлар рўйхатига мувофиқ Хизматлар учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш, шу жумладан Шахсий ҳисоб варағининг ижобий балансини сақлаш, ушбу Шартнома шартларига кўра зарур Аванс тўловлари/Абонент тўловини Оператор ҳисоб рақамига ўз вақтида ўтказиш.

5.2.13. Тармоқ реквизитлари бехосдан ошкор қилинган ҳолда, Операторни дарҳол хабардор қилиш ва Оператор билан келишилган ҳолда уларнинг аутентификация маълумотларини (паролини) ўзгартириш.

5.2.14. Ушбу Шартноманинг шартларини бажариш.

5.2.15. Операторнинг ускуналаридан ёки дастурий таъминотларидан алоқа каналларини, дастурий-аппарат воситаларини бузиш эҳтимоли, шунингдек, ўз ёки бошқа шахснинг шахсий даромадлари учун аутентификация маълумотларини атайлаб ишлатишнинг олдини олиш.

5.2.16. Оператор Хизматларидан унинг розилигисиз Абонент қурилмаси - Фойдаланувчининг ускуналари ва/ёки алоқа қурилмаларининг нотўғри ишлашига олиб келадиган лотереялар, овоз беришлар, танловлар, викториналар, реклама, сўровлар, оммавий хабар жўнатишлар ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун фойдаланилмаслик.

5.2.17. Операторга қуйидаги ҳодисалар ҳақида дарҳол хабар бериш: СИМ/РУИМ-картага хизмат кўрсатишни тўхталишига олиб келадиган ушбу СИМ/РУИМ-карта, Абонент қурилмаси ва ҳоказоларнинг йўқолиши, ўғирланиши ва йўқотилиши ҳоллари. Абонент Операторнинг тижорат сири ҳисобланган СИМ-, РУИМ-картада сақланадиган шифрланган маълумотлардан учинчи шахслар фойдаланмаслигини таъминлаб бериш ҳамда ўзгартириш, чиқариб олиш, нусхалаш, кўпайтириш, тарқатиш, бошқа бир маълумот ташиш қурилмасига ўтказиш, бошқа ҳаракатларни амалга оширишга

йўналтирилган ноқонуний хатти-ҳаракатларни амалга оширмаслик мажбуриятини ўз зиммасига олади. Абонент олинган СИМ/РУИМ-картанинг нусхасини тайёрламаслиги, шунингдек, учинчи шахсларга тақдим этмаслиги ва бундай ҳаракатлар учинчи шахслар томонидан амалга оширилмаслигини таъминлаши бўйича мажбуриятни ўз зиммасига олади. Абонент ушбу мажбуриятни бажармаган ҳолларда, у унинг айби билан Оператор томонидан кўрилган барча бевосита ва билвосита зарарларни тўлашга мажбур бўлади.

5.2.18. Абонент, Хизматлардан фойдаланиш учун барча жавобгарликни ўз зиммасига олади. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигини бузган ҳолда фойдаланишга йўл қўйилмайди.

5.2.19. Ҳар ойнинг 10 (ўнинчи) санасига қадар ўз вақтида (Абонентлар – жисмоний шахслар бундан мустасно) Оператор офисидан ҳисоб ва ҳисобварақ-фактураларни олиш ва ҳисоб бўйича қўйилган суммани Оператор ҳисоб рақамига ўтказиш. Абонентнинг ҳисобни олишдан бош тортиши, шу жумладан Оператор томонидан манзил бўйича ҳисоб етказиб берилганда ёки айрим сабабларга кўра ҳисобварақаси олинмаганлиги Абонентни Оператор хизматлари учун тўловни ўз вақтида амалга оширишдан озод қилмайди.

5.2.20. Оператор томонидан тақдим этилаётган хизматларни қайтадан сотиш (субпровайдерлик) ҳолатларида ёки “Интернет-кафе” ташкил қилишда, бундай турдаги лицензия фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқини берувчи ваколатли орган томонидан берилган тегишли лицензияни аввалдан Операторга тақдим этиш.

5.2.21. Абонент Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ бошқа мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олиши мумкин.

6. Кўрсатилаётган Телекоммуникациялар хизматлари учун ҳисоб-китобларни амалга ошириш тартиби

6.1. Хизматларнинг барча турларига Тарифлар/Тариф режалари Оператор томонидан мустақил равишда амалга оширилади. Тарифлар/Тариф режаларининг тасдиқланган Прейскуранти Операторнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

6.2. Хизматлар нархига қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) қўшилган, тегишли қонун хужжатларида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Хизматлар тегишли Тариф/Тариф режасида белгиланган миқдорда аванс тўловлари 100% олдиндан амалга оширилган шартларда тақдим этилади. Оператор Хизматлардан фойдаланиш бошланган вақтдан бошлаб аввалдан амалга оширилган тўловнинг сарфланмаган қисми балансини олиб боради. Олдиндан тўлов Абонент томонидан фақатгина Хизматлардан фойдаланиш имконияти учун ишлатилиши мумкин.

6.4. Тўланиши керак бўлган харажатлар:

6.4.1. Абонент тўлови.

6.4.2. Бир марталик тўлов (Хизматларнинг танланган турига мувофиқ).

6.4.3. Лимитдан ортиқча сарфланган трафик - танланган қўлланиладиган тарифигига мувофиқ.

6.4.4. Хизматлар кўрсатилгандан кейин Абонент томонидан тўланадиган Қўшимча хизматлар.

6.5. Кўрсатилган хизматлар учун тўлов Абонент томонидан Оператор ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан, нақд ёки нақд бўлмаган пул

маблағларини ўтказишнинг рухсат этилган ҳар қандай усуллари, шу жумладан бевосита бошқа тўлов тизимлари орқали амалга оширилади.

6.6. Тўловлар Ўзбекистон Республикасининг миллий валютасида амалга оширилади.

6.7. Ҳисоб тўловлари амалга оширилаётганда Абонент – юридик шахс/юридик шахс бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор банк тўлов ҳужжатларида тўлов мақсади ва шартнома ёки ҳисоб рақамини, Абонент – жисмоний шахс телефон рақамини кўрсатиши шарт.

6.8. Абонент томонидан бошқа тўлов тизими, банклари орқали ҳар қандай кўринишдаги фойдаланилган хизматлар учун ҳисобга тўлов амалга оширилганда, Оператор унинг ҳисобига келиб тушган маблағларни бошқа тўлов тизими, банклар орқали Абонентнинг шахсий ҳисобига ўтказади. Оператор тўлов тизими, терминал ва банклар томонидан маблағларни ўтказиш билан боғлиқ низолар юзага келганда жавобгар бўлмайди.

6.9. Хизматлар тақдим этилишига қараб, Абонент томонидан олдиндан тўлов сифатида киритилган маблағлар тегишли тариф ва ўрнатилган тариф қоидаларига мувофиқ равишда унинг балансидан ечиб олинади.

6.10. Хизматлар Абонентга олдиндан тўловнинг ижобий қолдиғидан ошмайдиган суммасига мувофиқ кўрсатилади. Абонентнинг аввалдан тўланган тўлов қолдиғи битта уланиш учун керакли даражадан паст бўлса, Хизмат тақдим этилмайди.

6.11. Абонентнинг шахсий ҳисобидан унга тақдим этилган Хизматлар учун маблағларни тезда ечишнинг имкони бўлмаган ҳолларда, кўрсатилган хизматлар учун ҳисобланган сумма сурилган режимда йиғилиб борилади, Абонентнинг Шахсий ҳисоб баланси тўпланган суммалар ҳисоб-китоб қилинганидан кейин манфийлигича қолади. Томонлар Абонентнинг Оператор олдидаги аниқ қарздорлигини белгилайдилар, Оператор Хизматлар кўрсатилишини тўхтатади, Абонентга мавжуд қарздорлик тўғрисида хабар беради ва Операторга қулай бўлган ҳар қандай усул билан қарздорликни ёпишни талаб қилади.

6.12. Шартномани рад этиш ҳолатларида Абонент Шахсий ҳисобидаги фойдаланилмаган маблағларни Оператор ушбу Оммавий офертанинг 12.5. бандига мувофиқ Абонентга қайтаради.

6.13. Абонент томонидан мажбуриятлар бажарилишини таъминлаш мақсадида Оператор томонидан унга кўрсатилаётган хизматларга ўз вақтида тўловни амалга ошириш учун Томонлар Абонент мажбуриятлари бўйича Оператор олдидаги унинг ҳисобларини тўлаш бўйича учинчи шахс (кафил бўлган шахс) билан Кафиллик шартномаси тузиш ҳуқуқига эга. Оператор, Абонент ва Кафиллик берувчи ўртасидаги барча муносабатлар кафиллик шартномаси ва қонунчиликнинг ушбу муносабатларни тартибга солувчи меъёрлари билан тартибга солинади.

6.14. Тарификациялаш бирлиги ҳисобидан келиб чиққан ҳолда трафикни ҳисобга олиш кўзда тутилмаган ҳолларда, танланган хизмат учун тарификациялаш Прейскурант бўйича тарифлар, шартлар ва Қоидаларга мувофиқ равишда амалга оширилади.

6.15. Агар ҳисобот ойи тугаганидан кейин 5 (беш) календарь кун ичида Абонент хизматларнинг ҳажми ва сифати бўйича ёзма асосли даъвони тақдим етмаса, Хизматлар Оператор томонидан ҳар бир ҳисобот ойи давомида тегишли равишда тақдим этилган ва Абонент томонидан ушбу ҳисобот ойининг охирги кунида қабул қилинган деб ҳисобланади.

6.16. Абонентнинг Ҳисобварағи томонларнинг ўзаро ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун восита ҳисобланади.

7. Хизматлар сифати

7.1. Операторнинг Хизмат кўрсатиш доирасидаги Хизматлар сифати Ўзбекистон Республикасида амалдаги техник меъёрларига, шунингдек, Операторда мавжуд бўлган лизензияларига мос келади.

7.2. Агар Абонентнинг бино ичи ёки яқинидаги радиотўлқинлар жойлашган ва тарқалган жойдаги табиий шароитлар, туннель, ертўла ва бошқа ер ости иншоотлари; рельеф ва қурилишларнинг ўзига хос маҳаллий хусусиятлари; Абонент қурилмасининг техник хусусияти ва ҳолати, Операторнинг уларга таъсир кўрсатиш ва бартараф этишга кучи етмайдиган метеорологик шароит ва сабаблар натижасида тақдим этилаётган Хизматлар сифати ёмонлашиши ёки тугатилиши ҳолатлари бўйича Оператор жавобгар ҳисобланмайди.

7.3. Ушбу бўлимнинг 7.2. бандида кўрсатилган Хизмат камчиликлари, шунингдек, Абонентнинг белгиланган талабларга жавоб бермайдиган, бузуқ, носоз Абонент қурилмаси, ишлаб чиқарувчи ёки Оператор билан келишмаган ҳолда ўзгартирилган ёки шакли ўзгарган Абонент қурилмасидан фойдаланиш натижаси ва бошқа сабаблар оқибатида юзага келган камчиликлар бўйича Оператор жавобгар ҳисобланмайди.

7^1. Wi-Fi хизматини кўрсатиш

7^1.1. Оператор чекланган ёки чекланмаган доирадаги фойдаланувчиларга пулсиз ёки пуллик асосда Wi-Fi хизматларини кўрсатиши мумкин. Фойдаланувчиларнинг чекланган доирасини аниқлаш шартлари Wi-Fi хизмати ташкилотчиси томонидан белгиланади. Wi-Fi хизматини кўрсатишда сессиянинг амал қилиш давомийлиги 24 соатдан ошмаслиги керак.

7^1.2. Wi-Fi хизмати кўрсатилганда, абонент/фойдаланувчи ўртасида тузиладиган шартномада Wi-Fi хизмати тақдим этиши тўғрисида маълумот кўрсатилиши, шунингдек, абонентлар/фойдаланувчилар шахсини идентификациялаш бўйича кўриладиган чоралар белгиланиши зарур.

7^1.3. Фойдаланувчилар/абонентлар шахсини идентификациялаш мобил телефон рақами бўйича шахсни тасдиқловчи ҳужжатдаги маълумотлар асосида амалга оширилиши мумкин.

7^1.4. Фойдаланувчини/абонентни мобил телефон рақами бўйича идентификациялашда, фойдаланувчининг мобил телефон рақамига SMS-хабар воситасида бир марталик пароль (One Time Password – OTP) юборилади ва фойдаланувчи аутентификация қилинади. Бунда бир марталик паролнинг (One Time Password – OTP) энг кўп фаоллик муддати 10 дақиқа давомида сақланади.

7^1.5. Оператор Wi-Fi хизматини кўрсатишда фойдаланувчининг/абонентнинг шахсий маълумотлари ва телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган хабарларининг сир сақланишини таъминлайди, бундан қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

8. Томонларнинг жавобгарлиги

8.1. Оператор қуйидаги ҳолатларда Абонент олдида жавобгардир:

8.1.1. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ёки ушбу Оммавий оферта билан кўзда тутилган тартиб ва миқдорларда тузилган шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаганлигига ёки лозим даражада бажармаганлигига, хизматларни кўрсатиш ва

камчиликларни бартараф этиш муддатларининг бузилишига, хизматлар ва ушбу хизматларнинг бажарувчиси ҳақидаги маълумотларининг хаққонийлигига.

8.1.2. Абонент ҳақидаги шахсий маълумотлардан фойдаланиш тартиби бузилишига.

8.2. Абонент Оператор олдида қуйидагилар учун жавобгар:

8.2.1. Абонентнинг аутентификация маълумотлари ва уни ўзига хослигини белгиловчи бошқа маълумотларни ошкор қилиш, йўқотиш, ўғирланишига ва ҳоказоларга олиб келган ҳаракат ва/ёки ҳаракатсизлик, шунингдек, Абонентнинг қайд этиш маълумотларидан фойдаланган учинчи шахсларнинг ҳар қандай ҳаракатлари ва/ёки ҳаракатсизликлари учун. Оператор Абонентнинг ва/ёки унинг қайд этиш маълумотларидан фойдаланган учинчи шахсларнинг юқорида кўрсатилган ҳаракатлари учун жавобгар бўлмайди.

8.2.2. Ушбу Оммавий офертанинг амалдаги шартлари, тарифлар ва бошқа ўзгаришлар тўғрисида хабар берилганидан кейин 10 (ўн) календарь кундан сўнг хизматлардан фойдаланишни давом этиш ушбу ўзгаришларга сўзсиз қўшилганлиги ва рози бўлганлиги, шунингдек, WEB-сайтдаги Хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўзгаришларни доимий равишда текшириб борилганлиги сифатида кўриб чиқилади.

8.2.3. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига зид бўлган ноқонуний ҳаракатларни амалга ошириш, шу жумладан:

- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан тақиқланган ижтимоий хавфли хатти-ҳаракат ёхуд тажовузкорлик айби, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси билан қўриқланадиган объектларга аниқ зарар етказиш ёки хавф туғдирувчи (ҳаракатлар ёки ҳаракатсизлиги) учун жазони қўллаш таҳдиди;
- шахсга тажовуз қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқи ва озодлиги, мулки, давлат ва жамоат тартиби, атроф муҳитга таҳдид қилиш, ҳуқуққа қарши, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик билан) хатти-ҳаракати ёки ҳаракатсизлигга Ўзбекистон Республикасининг маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодексида маъмурий жавобгарлик кўзда тутилган.

8.2.4. Унга берилган тармоқ реквизитлари, у томонидан қабул қилинадиган ва узатиладиган ахборотлар махфийлигини сақлаш ва муаллифлик ҳуқуқлари ва бошқа қонунларга амал қилиш.

8.3. Ушбу таклиф этилаётган Оммавий офертанинг 5.2.6, 5.2.7, бандида назарда тутилган шартлар бузилган ҳолатларда Абонент Операторга етказилган зарарни тўлиқ ҳажмда қоплаш бўйича жавобгар бўлади.

8.4. Мазкур Шартномада назарда тутилмаган бошқа ҳолларда Томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига, танланган хизматларнинг тегишли қоидалари ва шартларига мувофиқ белгиланади.

9. Жавобгарликнинг чекланиши.

9.1. **Оператор қуйидагилар бўйича жавобгар бўлмайди**:

9.1.1. Таклиф этилаётган ушбу Оммавий офертанинг 4.1.3. ва 4.1.4. бандларида назарда тутилган тартибда Оператор томонидан тарқатилган ва Операторга боғлиқ бўлмаган ҳолда тарифлар ўзгарганлиги тўғрисидаги маълумотлар Абонент томонидан олинмаганлиги, Операторнинг айби билан эмас, балки фойдаланилган ёки хизматлардан фойдаланиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги натижасида Абонент томонидан тўғридан-тўғри ёки билвосита етказилган зарар учун.

9.1.2. Оператор жиҳозлари ва дастурий таъминоти билан боғлиқ бўлмаган узатиш тармоғидаги ҳар қандай узилишларнинг ушбу Оммавий офертанинг танлаган хизмат Қоидалари, шартларидаги бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлигига.

9.1.3. Хизматлар сифати ва ишончлилиги параметрларининг номувофиқлиги, шунингдек, Оператор ва Абонент ўртасидаги Абонент трафиги тўғрисидаги тарификациялаш маълумоти қуйидаги сабаблар натижасида юзага келади:

- Оператор билан келишмаган ҳолда уланиш тармоғидаги конфигурациянинг Абонент томонидан ўзгартирилиши;
- дастурий таъминот, шу жумладан белгиланган Оммавий оферта/Шартнома талабларига мос келмайдиган трафикни ҳисобловчи дастур ўрнатиш;
- Абонент томонидан дастурий таъминот, шу жумладан трафикни ҳисобга олувчи дастурий таъминотни нотўғри созлаш.

9.1.3. Абонент томонидан унинг ҳаққонийлигини текширувчи маълумотларнинг ошкор этилиши, Абонент қурилмасини ишлатиш қоидаларининг бузилиши, шунингдек, учинчи томоннинг хатти-ҳаракатлари натижасида, хусусан, рухсатсиз почта алмашинуви, вируслар ҳужуми ва бошқалар натижасида етказилган ҳар қандай зарар.

9.1.4. Ускуналарни алмаштириш, дастурий таъминот ёки тармоқни ривожлантириш ва ишлаш қобилиятига кўмаклашиш заруратидан келиб чиққан ҳолда бошқа ишлар билан боғлиқ равишдаги хизматлар тақдим этилишини тўлиқ ёки қисман узиб қўйилиши.

9.1.5. Операторга тегишли бўлмаган Интернет тармоғининг айрим сегментлари шаклланиши ва уларга кириш.

9.1.6. Абонент томонидан тармоқ орқали узатиладиган маълумотлар мазмуни, шунингдек, Абонент томонидан Оператор хизматларидан фойдаланиш ёки фойдаланмаслик натижасида тўғридан-тўғри ёки билвосита етказилган зарар.

9.1.7. Абонентнинг тизими ва Абонент қурилмасининг дастурий таъминотининг шикастланганлиги.

9.1.8. Техник сабаблар ва форс-мажор ҳолатлар туфайли узоқ муддат давомида Абонентга Хизматлар тақдим этилмаганлиги, хусусан:

- Оператор томонидан бошқарилмайдиган ёки унга тегишли бўлмаган алоқа каналлари ва ускуналарнинг ишдан чиқиш ёки бузилиш даврлари;
- тўғридан-тўғри ёки билвосита Абонент, Абонентнинг розилиги билан Хизматдан фойдаланаётган учинчи шахс томонидан қўзғатилган ёки тезлаштирилган хизматларни тақдим этмаслик муддатлари. Бунда Операторнинг техник хизматлари билан мувофиқлаштирилмаган жиҳозлар ёки дастурларнинг ўзгартирилиши, шунингдек, тармоқ реквизитларининг мустақил равишда қайтадан ўрнатилиши назарда тутилади;
- 30 (ўттиз) дақиқадан кам бўлган давр давомида.

9.1.9. Абонентнинг олдиндан берилган буюртмаси асосида Контент-провайдер томонидан Оператор тармоғи орқали юбориладиган контент мазмуни ва сифати тақдим этилмаганлиги ёки ўз вақтида тақдим этилмаганлиги.

9.1.10. Абонентга етказилган зарарларни йўқотилган фойда кўринишида қоплаш.

9.2. Оператор (Интернет хизматларини кўрсатишда, маълумотлар узатиш ва Wi-Fi хизматини кўрсатишда) ўз ихтиёрида (бевосита бошқаруви ва назорати остида) бўлмаган маълумотлар узатиш тармоғининг ресурслари, серверлари ва сегментлари мазмуни, улардан фойдаланиш имконияти ва ишлаш қобилияти учун жавобгар бўлмайди.

10. Енгиб бўлмайдиган куч вазиятлари

10.1. Агар ушбу Оммавий оферта шартларидан келиб чиқувчи мажбуриятларнинг тўлиқ ёки қисман бажарилмаслиги сув тошқини, ёнғин, зилзила ва бошқа табиий офатлар, эмбарго (чет эл молларини мамлакатга келтириш ёки мамлакатдан чиқаришни давлат томонидан тақиқлаб қўйиш), уруш ёки ҳарбий хатти-ҳаракатлар, телекоммуникация (ахборот) хизматлари кўрсатиш соҳасидаги Қонунчиликдаги ўзгаришлар, ушбу Оммавий оферта имзолангандан кейин унинг шартларини бажариш имконияти мавжуд бўлмаган ҳолларда Томонларнинг ҳеч бири жавобгар бўлмайди. Агар ушбу ҳолатлардан бири ушбу Оммавий офертада белгиланган мажбуриятларнинг бажарилиш муддатига бевосита таъсир кўрсатса, у ҳолда бу муддат тегишли ҳолатларнинг амал қилиш муддатини мутаносиб равишда орқага суради.

10.2. Мажбуриятларни бажариш имконияти бўлмаган вазият юзага келган Томон юқорида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар пайдо бўлиши, таҳминан амал қилиш муддати ва бекор қилиниши тўғрисида улар юзага келган ва тўхтатилган вақтдан бошлаб дарҳол, бироқ 5 (беш) календарь кунидан кечиктирмасдан бошқа Томонни ёзма равишда хабардор қилиши керак. Хабарномада баён этилган фактлар Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи томонидан тасдиқланган бўлиши керак.

10.3. Хабар бермаслик ёки ўз вақтида хабардор қилмаслик Томонни юқорида кўрсатилган ҳар қандай ҳолатлардан бирида мажбуриятларни бажаришдан озод қилиш учун асос сифатида кўриб чиқиш ҳуқуқидан маҳрум қилади.

11. Низоларни ҳал қилиш тартиби.

11.1. Шартномани бажариш билан боғлиқ барча тортишув ва келишмовчиликлар Тарафлар томонидан Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ даъволар тартибида ва Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигида белгиланган тартибда судда кўриб чиқиш тўғрисидаги қоидаларга мувофиқ ҳал қилинади.

11.1.1. Томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган, Абонент – жисмоний шахс ўртасидаги низо ва келишмовчиликлар юзага келган ҳолатлар Оператор ёки Агентнинг тегишли бўлинмаси жойлашган жойда, умумий юрисдикция судларида, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

11.1.2. Абонент – юридик шахс, юридик шахс маълумотига эга бўлмаган якка тартибдаги тадбиркор ўртасидаги Томонлар ўзаро келишувга эриша олмаган низо ва келишмовчиликлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда Тошкент туманлараро иқтисодиёт судида кўриб чиқилади.

11.2. Даъво талаби Абонент томонидан ёзма шаклда тақдим этилади ва Оператор томонидан белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилади.

11.3. Телекоммуникация хизматлари кўрсатилмаслиги, ўз вақтида кўрсатилмаслиги ёки тегишли сифатда кўрсатилмаслиги билан боғлиқ даъволар ушбу Оммавий офертанинг 6.15. бандида кўрсатилган муддатларда қабул қилинади.

11.4. Оператор даъво олинган кунидан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичида унга жавоб бериши шарт. Даъвога жавоб хати буюртма ёки қимматли хат шаклида, телеграф, телетайп орқали, шунингдек, унинг махфий юборилиши тўғрисида Абонентни хабардор қилган ҳолда бошқа алоқа воситларидан фойдаланиб юборилади ёки Абонентга тилхат орқали топширилади.

11.5. Учинчи шахслар томонидан Тармоққа рухсатсиз уланиш орқали Хизматлардан фойдаланиш натижасида юзага келган келишмовчиликларда Оператор содир этилган хатти-ҳаракатларни аниқлаштириш учун белгиланган тартибда ички техник текширувни ўтказишга ҳақлидир.

11.6. Операторда Абонент томонидан Оператор хизматларидан виждонан фойдаланишига шубҳа туғилган ҳолларда, иккинчи томон ҳолатни аниқлаштириш ва Хизмат кўрсатишни тўхтатиш эҳтимоли тўғрисида исталган мақбул усулда хабардор қилиш учун Абонентни Оператор офисига келишини таклиф қилади. Агар Оператор хабарномаси Абонент томонидан хабарнома юборилган кундан бошлаб 3 календарь куни ичида бажарилмаса, Оператор хабарномада талаб қилинган шартлар Абонент томонидан бажарилмагунга қадар Оператор Хизматлари кўрсатилишини тўхтатишга ҳақлидир.

11.7. Абонентнинг Оператор олдидаги кўрсатилган хизматлари учун юзага келган ва ихтиёрий равишда тўланмаган қарздорлиги даъво қилиш тартибида мажбурий ундириш, буйруқ тартибида ундириш, шунингдек, нотариуслар томонидан қайд этилган ёзувлар асосида амалга оширилади.

12. Шартноманинг амал қилиш муддати. Шартномани ўзгартириш ва бекор қилиш шартлари

12.1. Шартнома Абонент томонидан ушбу Оммавий оферта қабул қилинган вақтдан бошлаб кучга киради ва шартномада кўрсатилган муддатгача амал қилади, муддат кўрсатилмаган тақдирда эса, номаълум муддатга тузилган ҳисобланади.

12.2. Шартнома шартларига Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қисмида (Тариф режалари, Телекоммуникация хизматлари учун ҳисоб-китоблар ва шу кабиларга) ўзгартиришлар киритиш Оператор томонидан Абонентга тегишли хабарномаларни юбориш орқали (шу жумладан, Операторнинг WEB-сайтида тегишли маълумотни жойлаштириш, оммавий ахборот воситаларида чоп этиш, SMS-хабарларини жўнатиш, ёки электрон почтада жойлаштириш, шунингдек, Оператор учун мақбул бўлган бошқа усуллар билан) бир томонлама амалга оширилади. Агарда Оператор Абонентга тегишли хабарнома жўнатган ёки тегишли маълумотни жойлаштирган/чоп этган кундан 10 (ўн) календарь куни мобайнида Абонентдан бундай ўзгаришларни қабул қилишни рад этиш тўғрисида ёзма жавоб олмаса, ўзгаришлар Абонент томонидан қабул қилинган ҳисобланади. Агарда юқорида кўрсатилган муддат мобайнида Оператор Абонентдан бундай ўзгаришларни қабул қилишни рад этиш тўғрисида ёзма жавоб олса, Абонент билан тузилган Шартнома юқорида кўрсатилган 10 (ўн) кунлик муддат тугаган кунда бекор қилинган ҳисобланади.

12.3. **Шартнома қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин**:

12.3.1. Абонент ташаббуси билан бекор қилиш сабабларини кўрсатган ҳолда ҳам, кўрсатмаган ҳолда ҳам. Бунда Абонент (жисмоний шахслардан ташқари) Шартномани бекор қилишда, мўлжалланган бекор қилиш санасидан камида 10 (ўн) календарь кун аввал Шартномани бир томонлама бекор қилиш тўғрисида Операторни хабардор қилади. Бунда бекор қилиш санаси бўлиб, хизматлар кўрсатилган ойнинг охирги куни ҳисобланади.

12.3.2. Оператор ташаббуси билан қуйидаги ҳолатларда:

- Абонент томонидан Шартнома ва Қоидалар ҳамда танланган хизмат шартлари бузилганда;
- мажбуриятларни бажариш имкони бўлмаганда (хизматларни кўрсатишнинг техник имкониятлари мавжуд бўлмаганда);
- енгиб бўлмас кучлар оқибатида келиб чиқадиган ҳолатлар натижасида, давлат органлари томонидан расмий ҳужжат қабул қилиниши, хусусан, қонунда белгиланган тартибда Операторнинг лицензияси чақириб олиниши, тўхтатиб қўйилиши, бекор қилиниши натижасида мажбуриятларни бажариш имкони бўлмаганда;

- тасдиқловчи ҳужжат тақдим этилганда ва ҳуқуқий меросхўрлик бўлмаганда, жисмоний шахснинг вафот этиши натижасида;

- Абонент томонидан кетма-кет 60 (олтмиш) календарь кун мобайнида Телекоммуникация хизматларини олиш ҳуқуқини берадиган транзакциялар амалга оширилмаганда, мобил алоқа телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўхтатиб қўйилган санадан;

- умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоқларида амалдаги телефон алоқаси хизматларини тақдим этиш Қоидаларида кўрсатилган муддатларда Абонент томонидан телефон алоқаси хизматлари учун тўлов амалга оширилмаганда;

- Абонентнинг “Хизмат захиралари” хизматларини фаоллаштириш тўғрисида ёзма розилиги мавжуд бўлмаганда ва Интернет тармоқлари, IP TV ва видеокузатувлар ва бошқа хизматларни (агар қоидалар ва хизматларни тақдим этиш шартларида бошқаси кўзда тутилмаган бўлса) фаоллаштириш учун тегишли тўлов амалга оширилмаганда уларга нисбатан “Хизмат захиралари” хизмати қўлланиладиган бўлса, хизматлар кўрсатиш тўхтатилган кундан бошлаб 60 (олтмиш) календарь кун ичида, порт Абонентнинг “Тарқатиб юборилган” статусига улашдан (берилган логин, пароль ва уланиш порти) озод қилинади ва тарқатиб юборилади. Мазкур ҳолатда Абонент билан тузилган Шартнома бир томонлама бекор қилинади. Шартномани бекор қилиш ва Абонентни Оператор тармоғидан узиш қуйидаги ҳолларда амалга оширилади:

- ушбу Оммавий офертанинг 4.1.14.8.-банди бузилган ҳолларда;

- Абонент томонидан фродга (алдовга) йўл қўйиш фактлари аниқланган тақдирда;

- ушбу Шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида назарда тутилган бошқа ҳолатларда.

12.4. Абонент Шартномани бажаришдан бош тортган ёки Шартномани бошқа асосларга биноан бекор қилган вақтдан бошлаб Томонларнинг мажбуриятлари тугаган ҳисобланади, Шартнома бекор қилинган вақтда кўрсатилган, бироқ тўланмаган хизматлар учун тўлов бўйича Абонентнинг мажбуриятлари бундан мустасно.

12.5. Шартнома бекор қилинганда ижобий баланс – Абонент шахсий (электрон) ҳисобидаги пул маблағлари қолдиғи Абонентнинг банк ҳисобидаги маблағлар қолдиғига ёки унинг банк пластик картасига пул ўтказиш йўли билан қайтарилади. Бундай ҳолда Абонент Операторга тегишли ёзма ариза билан мурожаат қилиши, паспорт, Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 2 мартдаги 116-сонли қарорига мувофиқ берилган янги намунадаги миллий ҳайдовчилик гувоҳномаси ёхуд ҳарбий хизматчининг паспорт маълумотлари ва унинг рўйхатдан ўтган жойини тасдиқловчи, белгиланган шаклдаги маълумотнома илова қилинган ҳарбий билетни (жисмоний шахслар учун) кўрсатиши ва унинг банк реквизитлари ёки банк пластик картаси тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиши керак.

12.5.1. Пул маблағлари Оператор томонидан Абонентнинг аризаси қабул қилинган санасидан 15 (ўн беш) банк куни мобайнида Абонентга қайтарилади. Бунда Оператор қилинган харажатлар суммасини Абонентнинг тўлов тизимлари (терминаллар) орқали тўлаган суммасидан ушлаб қолишга ҳақли.

12.5.2. Шартнома бекор қилинганда, Шартнома шартлари билан Абонент қурилмаси, SIM-, RUIM-карталарни улаш учун белгиланган тўлов Абонентга қайтарилмайди ва ҳақ тўланадиган тоифадаги абонент рақамларидан абонент рақамини танлаш хизмати учун тўлов Оператор томонидан қопланмайди.

12.5.3. Шартнома қайта тузилган тақдирда, Абонентга дастлаб берилган Абонент рақамини сақлаб қолиш кафолатланмайди.

12.6. Жисмоний шахс вафот этганда ва ўлим ҳақида гувоҳнома олинганда Оператор томонидан шартнома бекор қилинади. Шартноманинг бир Томони сифатида

Абонент алмашган тақдирда (шу жумладан, SIM-карта мерос қилинганда, ҳадя сифатида олинганда), аввалги Абонент билан шартнома бекор қилинади ва янги Абонент билан тузилади. Мазкур ҳолатда ҳақ тўланадиган тоифадаги рақамни ўлим ҳақидаги гувоҳнома ва мерос ҳуқуқи тўғрисидаги гувоҳнома (ёки нотариал тартибда тасдиқланган васиятнома) га мувофиқ қариндошларга қайта расмийлаштириш тўловсиз амалга оширилади. Бунда АҲКТда Абонент ҳақидаги маълумотлар базасини қайта расмийлаштириш билан боғлиқ тўлов амалдаги Тарифга мувофиқ ундирилади.

13. Бошқа шартлар

13.1. Томонлар ушбу Шартномага мувофиқ равишда ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига боғлиқ ҳолда коррупцияга қарши қонунчилик нормаларини бузмаслик, коррупцияга қарши қонунчилик талабларига амал қилиш ва ҳеч қандай хатти-ҳаракатлар қўлламаслик, шу жумладан (чекланмаган ҳолда) рухсат этилмаган таклифлар, ваъдалар қабул қилмаслик ва ноқонуний тўловларни амалга оширмаслик, хусусан (аммо, чекланмаган ҳолда) бирор бир жисмоний ёки юридик шахсларга, шу жумладан (аммо, чекланмаган ҳолда) тижорат ташкилотлари, ҳукумат ва ўз-ўзини бошқарув органлари, давлат хизматчилари, хусусий компаниялар ва уларнинг вакилларига пул ёки бошқа ҳар қандай шаклда поралар таклиф қилмаслик мажбуриятларига амал қиладилар. Томонларнинг бири ушбу банднинг биринчи қисмида кўрсатилган мажбуриятларни бузган тақдирда, бошқа Томон бир томонлама суддан ташқари тартибда мазкур Шартномани бажаришдан бош тортиш ҳуқуқига эга. Шартнома мазкур банд билан бекор қилинган тақдирда Томонлар бир-бирига етказилган зарарларни қопламайдилар.

13.2. Абонентга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш натижасида келиб чиқадиган ва ушбу Шартнома билан бевосита тартибга солинмаган Томонларнинг барча ҳуқуқий муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг 1992 йил 13 январдаги “Алоқа тўғрисида”ги 512-XII-сон Қонуни, 1999 йил 20 августдаги 822-I-сон “Телекоммуникациялар тўғрисида”ги Қонуни, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари билан тартибга солинади.

13.3. Мазкур Оферта билан тартибга солинмаган барча масалалар бўйича Томонлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига амал қиладилар.